



2-бет

3-бет

4-5-бетлар

8-бет



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ХАТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 199 (10.002)

2003 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН-ГУЗИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
9-10 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ
ТАШРИФИ БИЛАН ГУЗИЯ РЕС-
ПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.**

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳам корликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамкорлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига кўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифига катта тайёргарлик кўрган - аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислам Каримовнинг сурати ва «Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Қрицанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатда қўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.


Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиб ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислам Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислам Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларини таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кенаётган ҳаракатлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, аънанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХТҲ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қуроларғон контрабандаси билан шугullanуви учун жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муйан даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар қўлими салоҳияти ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислам Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу ҳусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатларга комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир.



Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўлимининг ошиши эса бутун Ўзбекистон-Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узок муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳужжатларга мазкур комиссия фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклди.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислам Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини тақлиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидagi бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк Ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортомқода. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк Ипак йўли аллақачон амал қилляпти. Унингсиш Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи қаровни Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яқши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон-Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўлишини ташкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотик борасида аънанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотиқсининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой экспорт қилиш мумкин. У

ёқдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳужжатларга комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўша баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислам Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асосида Ислам Каримов Грузиянинг юксак муқофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислам Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг ҳорж фуқароларига бериладиган олий муқофоти - «Оҳрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини раванқ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган қўллаб амалий натижалар билан якуланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очилиш шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,
Ўза Махсус мухбири
Тошкент-Тбилиси-Тошкент.**

XVI саҳоси
Барча маълумотларни
олинган сўғига хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитасининг ййгилишида «Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси кўриб чиқилди.

• Олий Мажлисда Суд-ҳуқуқ ислоҳоти масалалари бўйича кичик комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш концепцияси, Юртбошимизнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида ушбу соҳада белгилаб берилган дастур вазифаларининг қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг 9 ойлик иш якунлари ва жорий йилнинг тўртинчи чораги вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

• Тошкент Давлат аграр университетиде «Мустақил юрт галласи» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

• Тошкентдаги Олий ҳарбий божхона институтида Осиё тараққиёт банки Қўшоналар ҳамкорлиги қўмитасининг иккинчи учрашуви ўтказилди.

• Вобкент туманининг Йўлдош Охунбоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги Хуррам, Арабхона қишлоқларига тоза ичимлик суви келтирилди.


Жаҳонда

• Россия Федерацияси Президенти В.Путин ва Германия Федерал канцлери Г.Шрёдер ўртасидаги музокаралар натижасида ҳар икки томон учун ўзаро манфаатли бўлган қўллаб битимлар имзоланди.

• Россия ва Финляндиялик кутқарувчилар йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жабр кўрганларга ёрдам бериш юзасидан ҳамкорликдаги ўқув-машгулотларини ўтказишди.

• Украинадаги ҳарбий асқалар сақланадиган омборда рўй берган портлаш натижасида кучли ёнғин чикди. Ён-атрофдаги хонадонлар ва ўқув юртларига зарар етди.

• Япония шимолдаги ер силкиниши рўй берди. Зилзила кучи 6 балдан ошди.



Оламда нима гап?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Россиянинг Иркутск шаҳрида Россия давлатини XIX асрда бошқарган Александр III га ёдгорлик ўрнатилди. Санкт-петербурглик ҳайкалтарош Альберт Чаркиннинг сўзларига қараганда, у тинчликпарвар шоҳ қиёфасини сақлаиб қолган тасвирлар асосида ишлаган бўлиб, ёдгорлик XX аср бошида танили уста Роберт Бах ишлаган бронза ҳайкалинини тўлиғича такрорлайди.

● Британиялик суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари Швеция ташқи ишлар вазири Анна Линд ўлимида гумон қилинаётган собиқ югославиялик Михайло Михайловичга қарши айбномаларнинг асосли эканлигини таъкидлашди.

Бундан икки ҳафта муқаддам дўкондаги видеокамера сурат олган кишига ўхшаш бўлган 24 ёшли Михайлович хибса олинган. Шунингдек, А.Линдга ҳужум уюштирилган жойдан Михайловичнинг қалпоғи ҳам топилди. Экспертлар қалпоқда қолган соч тоғалари айнан унга тегишли эканлигини исботлашди. Шунингдек, қотилга тегишли пичоқда аниқланган ДНК намуналари ҳам гумон қилинаётган шахсники билан бир хил.

Маълумки, 1986 йили Швеция бош вазири Улоф Пальме ҳаётига қасд қилган қотил топилмаганди. Кўринишидан бу гал жиноятчи қўлга олинган ва жазодан қочиб қутулолмайдди.

● Яқин кунларда Хитой коинотга ўзининг дастлабки учувчи билан бошқариладиган ҳаво кемасини учиршини режалаштирмоқда. Ушбу ракета экипажининг 3 та аъзосига мўлжалланган бўлиб, бироқ мазкур синов парвозига битта фазогир жалб этилади. Фазогирлар отрядида ҳаммаси бўлиб 14 киши мавжуд ва уларнинг барчаси ҳарбий учувчилардир. У Изе ва Ли Цзинлун космонавтлар отрядининг раҳбарлари ҳисобланишади.

● Бундан 12 йил аввал БМТ тинчлик кучлари Ироқ-Қувайт чегарасида патруллик хизматини бошлаган эди. Эндликда бунга ҳолат қолмади. Негаки, Ироқ ўз қўшниси Қувайтга энди таҳдид қилмади. Шунинг учун БМТ ўз тинчлик кучларининг патруллик ваколати тугаганлигини маълум қилди. Бироқ тинчлик кучларининг Қувайтдаги қароргоҳи октябрь охиригача ишлаб туради.

● Индонезиянинг Бали оролида Жануби-шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)нинг саммити бўлиб ўтди. Унда ассоциацияга аъзо мамлакатлар — Бруней, Вьетнам, Индонезия, Лаос, Камбоджа, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ҳамда Филиппиннинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этиб, улар АСЕАН учун муҳим ҳужжат, яъни 2020 йилга бориб АСЕАНда тўлиқ эркин савдо худудини яратиш ҳақида битим имзоладилар.

«ТОШКЕНТ ОПЕН-2003»




ВИРЖИНИЯ ПАСКУАЛЬ — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

КЕЧА пойтахтимизнинг теннис марказида «Тошкент опен—2003» халқаро аёллар турнирининг финал босқичи ўтказилиб, унинг ғолиби аниқланди.

Мамлакатимизда аёллар теннис турнирига 1996 йилда асос солинган бўлиб, даставвал ушбу турнир «Челленжер» мусобақалари сифатида ўтказилиб келинган. Вақт ўтган турнир поғона-поғона юксалиб, 1999 йилдан бошлаб «Тошкент опен» номи билан WTA - Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциацияси макромига эга бўлди ва Тошкент очик мусобақаларида иштирок этиш учун унга жаҳоннинг биринчи юзликка кирувчи кучли теннисчилар ташриф буюра бошлади. Шу билан бирга «Тошкент опен» профессионал теннисда илк бор юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш имкониятини берган турнир сифатида ҳам кўпчилик спортчиларнинг хотирасида сақланиб қолди. Жумладан, исроиллик Анна Смышнова, Германиялик Бьянка Ламаде, швейцариялик Мари-Гаяне Микаэля ҳамда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова «Тошкент опен» турнирларининг фақат совриндорлари бўлибгина қолмай, балки улар учун мусобақа WTA таснифининг анча юқори чўққиларига кўтариллишига замин бўлди. Хусусан, 2000 йилда Тошкентда ўтказилган аёллар турнирида ғолиб бўлган, Ўзбекистоннинг гурури ва ифтихори Ирода Тўлаганова ҳозирда WТАнинг биринчи ўттизликдан ўрин олган.

Эслатиб ўтамиз, жароҳати туфайли Ирода бу йилги турнирда қатнаша олмади ва ўзбекистонликлар умиди теннисчиларимиздан бўлмиш Оқгул Омонуродова ва Иванна Исроиловага катта ишонч билдирганди. Истеъдодли теннисчилар ғолибликка даъвогар бўлмасаларда, аммо ишончли қозониш учун тўлақонли ҳаракат қилишди, десак адашмаймиз. Оқгул ва Иванна учинчи йил кетма-кет спорт тилида имконият орқали маҳоратни ошириш деб аталувчи «wild card» бўйича турнирнинг асосий жадвалида ўрин эгаллаётган бўлсада, улар тажриба ва рейтинг юзасидан ўзларидан анча фарқ қиладиган кучли спортчилар билан беллашиш лозимлигини яхши

тушунишади. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, қуръа тақозоси билан ҳар доим энг кучли ракеткаларга тўқнаш келган Оқгул бу сафар ҳам «Тошкент опен—2003» турнирининг биринчи ракеткаси, Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциацияси туркумидаги мусобақаларда эришган муваффақиятлари боис 41-поғонани баъд қилган венгриялик Петра Мандулага рўпара келди. Аммо рақиб билан учрашувда ҳамюртимиз ғалаба қозониш эмас, балки биринчи навбатда кучини синаб кўришни мақсад қилиб қўйди. Айнан маҳорати анча устунилиги сабабли Оқгулдан тўққиз марта юқори поғонада турган (Оқгул WТА таснифида 396-ўринни панж қилган) Мандула учун бир даврани енгиб ўтиш осон бўлмади. Омонуродова икки сет мобай-



нида тенгма-тенг куч синашди ва ўйин якунига кўра рақибини мағлуб қилмаган бўлса ҳам, очигини айтиш лозим, кутилмаганда яхши натижалар кўрсатди (6/4 ва 7/6).

WТА таснифида 510-ўринда турган Иваннанинг ҳам 122-рейтинг эгаси хитойлик Жи Женг билан бахшлашуви анча мураккаб ўтди. Агарда солиштирадиган бўлсак, иккала ўзбекистонлик теннисчи бир хил тактик ўйин кўрсатди ва уларнинг натижалари деярли бир-бирига яқин эканини кўриш мумкин (ушбу беллашув 6/4, 7/5 натижалари билан хитойлик теннисчи ҳисобига якунланди. Демак, Оқгул ва Иванна кўпчилик ишонччи оқлаш учун бор имконияти ва маҳоратини ишга солди.

Илгари изоҳ бериб ўтганимиздек, турнирда тўртинчи бўлиб сараланган испаниялик Виржиния Руано Паскуаль финалга йўлланма олиш учун кортда ўз ҳамюрти Аранта Парра билан учрашишга тўғри келди. Иккала дугона спортда адолатни устун қўйиб, шов-шувга лойиқ узоқ вақт — 2 соату 35 дақиқа беллашишди. Ўйин эса кутилганидек турнир бошидан аксарият мухлисларнинг дилидан жой олган Виржиния Руано Паскуаль ҳисобига 6/3 4/6,7/6 натижалари билан якун топди.

Финалда турнирнинг учинчи ракеткаси, тўрт босқичда ўзидан анча кучли теннисчилар билан учрашиб, уларни осонлик билан мағлуб қилган япониялик Саори Обата билан учрашуви испаниялик теннисчини саросимага солгани ҳеч сезилмади. Биринчи сетни Руано Паскуаль 6/2 ҳисобида 30 дақиқа ичида ўз фойда-



сига ҳал қилган бўлса, иккинчи сетда унга биров кўпроқ тўр тўқишга тўғри келди. Муҳим босқичнинг дастлабки геймларида 5/2 ҳисобида вазиятни ўз қўлига олган Саори Обата бу беллашув шубҳасиз кейинги, учинчи сетда унинг ҳисобига ҳал бўлишига ишонаётган эди. Аммо саноқли дақиқалар ичида испаниялик спортчи ўзини хос услубни қўллаб вазиятни кескин ўзгартирди ва икки сетда 6/2, 7/6 (тайбрек билан) ўйинга якунини нуқтани қўйди.

Матбуот конференциясида Виржиния қизгин беллашув жараёнига изоҳ берар экан, сўнгги дақиқаларда у бор кучини йиғиб, эътиборини фақат коптокни тўғри қайтаришга жамлаганини, ғалабага эришишида унга ўзбекистонлик мухлисларнинг олқишлари ҳам катта куч ва ёрдам берганини алоҳида таъкидлади ва келгуси йилда ҳам албатта Тошкент турнирига келишига сўз берди.

«Тошкент опен—2003» турнирининг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобдурраҳмонов мурасимиз беллашувларга бой бўлган турнир нафақат мамлакатимиз спорти, балки яқинда 30 йиллигини нишонлаган WТА — Бутунжаҳон аёллар теннис ассоциациясининг тарихида ҳам ёрқин саҳифа бўлиб қолишини таъкидлаб ўтди, шунингдек ушбу турнирнинг нуфузи ортиб боришига бевосита ҳисса қўшган дунёнинг 23 давлатидан ташриф буюрган 50 дан зиёд теннисчиларга гўзал ва маҳоратли ўйин кўрсатганлари, турнир ташкилотчилари ва хизматчилари ҳамда мусобақалар жараёни кенг ёритилишида иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Шундай қилиб, «Тошкент опен—2003» турнири поёнига етди. Унинг галдаги, бешинчи соврини узоқ Испанияга жўнаб кетди, лекин шубҳасиз ушбу соврин учун ғалабага Ўзбекистон диёринида эришгани Виржиния Руано Паскуалнинг доимо ёдида қолади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: «Тошкент опен-2003» турнири ғолиби Виржиния Руано Паскуаль; жуфтликлар ўртасидаги мусобақа ғолиблари; кортда — турнир финалчиси Саори Обата. Тўхир Нигматуллин олган суратлар.

ПОЙТАХТНИНГ
Дура Кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
ХАБАРЛАРИ

● **РЕСПУБЛИКА** шошилинч «Тез тиббий ёрдам» илмий марказида мазкур шифо маскани-

ни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Япониянинг Омета халқаро ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти ва АҚШ адвокатлар ассоциацияси ҳамкорлигида ҳуқуқ дастури лойиҳаси

ишлаб чиқилди. Ушбу дастур тақдимоти бағишлаб ўтказилган тадбир қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

● **БОЛАЛАР** таомлари» холдинг компанияси Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида шаҳримизда «Болалар дието-

логияси» мавзусида шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Болалар гастроэнтерологиясининг, бугунги кун ва келажаги» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тиббий ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Дори-дармонлар сифат кўрсаткичини янада яхшилаш йўлида республикада қатор ижобий янгилликларга эришилмоқда. Дори воситаларини стандартлаш илмий марказнинг ташкил топиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Тошкент Фармацевтика институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу марказ мамлакатимиздаги фарма саноати корхоналари билан ҳамкорликда доривор воситаларни назорат қилиш бўйича қатор техник тадбирларни кўрмоқда. Айни вақтда янги хил препаратлар яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Натижада ўнга яқин доривор восита юзага келди.

Шуниси муҳими, бу хил препаратлар буюртма асосида ҳам яратилмоқда. Украинадаги «Экометпродукт» фарма корхонаси буюртмаси ҳам адо этилди. Улар тажриба—намуна синовидан яхши ўтди.

ШИФОХОНА ЯНГИ БИНОДА

Республикада тиббий илмий марказлардан бир нечаси ишлаб турибди. Саломатлик институти билан Республика перинатал маркази ҳам муолажалар олиб бормоқда, бой тажриба орттирмоқдалар.

Ушбу марказнинг моддий негизини мустаҳкамлаш йўлида кўрилган тадбирларнинг фаолиятини янада яхшилаш имконини берди. Шифобахш даргоҳнинг янги бинога кўчиб ўтиши ҳам айтилган мўдда бўлди. Ҳомилдор аёллар саломатлиги бўйича муолажалар олиб бориш учун қулайликлар туғдирилди.

Бу ерда Финляндиядан олиб келинган даволаш—ташхис ускунаси ҳам фойдаланишмоқда.

МУҚОБИЛ ТАВСИЯЛАР

ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иштирокида ўтказилган семинар «Жисмоний нуқсон бўлган болаларнинг ташхиси, интеграция ва реабилитация»си деган мавзуга бағишланди.

Унда республикадаги минтақавий ташхис—реабилитация марказлари иш тажрибалари умумлаштирилди.

Анжуман тавсиялари мамлакатимизда коррекцион—реабилитацион ёрдам мажмуавий тизимини йўлга қўйишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Акбар АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ XXI АСРДА

Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу муносабат билан мазкур таълим даргоҳида «Университет XXI асрда: натижалар ва истикболлар» мавзуда халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари, мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртли вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжумани Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Т.Долимов очар экан, ушбу таълим даргоҳининг турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги ютуқлари нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатлари илм-фани, халқ хўжалиги, халқаро алоқалари ривожига қўшаётган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади.

Бу даргоҳда таҳсил олган талабалар орасидан кўплаб таниқли олимлар, ижодкорлар, жамоат ва давлат арбоблари етишиб чиққан. Ўтган йиллар мобайнида мазкур университет негизини ташкил этилган ўнлаб илмий муассасалар, академиялар, олий ўқув юртлири жамият тараққиётини таъминлаш, халқимиз тафаккурини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Университет ташкил этилгандан буён 110 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Улар халқ

хўжалигининг барча соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Фармониغا биноан Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларнинг буюк хизматлари эътироф этилиб, университет жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳияти, халқаро нуфузи назарга олинган ҳолда мазкур олий ўқув юртига «Миллий университет» мақоми берилиши тарихий ҳақиқатнинг тикланишида муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури университет салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугун унда 15 факультет, 120 кафедра, икки академик лицей, икки илмий текшириш институти мавжуд. Ўқув жараёнига минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи жалб этилган.

— Анжуманда турли тилларнинг ўзаро муносабати оид масалалар муҳокама этилади, — деди Британия кенгаши Тошкентдаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Мартин Се-

вер. — Турли мамлакат вакиллари учрашиб, тегишли масалаларни муҳокама этиши, ўзаро фикр алмашиб мавзуга янгича ёндошиш услубларини бир-бирларидан ўрганишлари ниҳоятда муҳим.

М.Севернинг сўзига қараганда, анжуманнинг кўп миллатли Ўзбекистонда ўтказилиши ниҳоятда қувончлидир, зеро, бу давлатда тил сиёсати, таълим, турли тилларни ўрганиш ва саводхонликка катта эътибор берилган.

— Бўлажак анжуманга ўттиздан ортиқ мамлакатдан 250дан зиёд вакил келиши кутилмоқда, — деди М.Север. — Тадбир қатнашчилари томонидан уч кун давомида юздан ортиқ тақдирот ўтказилади. Ўзбекистонлик шерикларимиз бошқа давлатлардан келган ҳамкасблари билан яқин мулоқотда бўладилар деб умид

қиламан.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Шавкат Аюпов анжуманнинг аҳамияти хусусида сўзлар экан,

ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Тил ва тараққиёт масалаларига бағишланиб Тошкентда ўтказилган олтинчи халқаро анжуманга Осиё, Африка, Австралия, Шимолий Америка ва Европа давлатларидан 250дан зиёд мутахассисларнинг келиши кутилмоқда. Анжуман Британия кенгаши ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилмоқда.

мақсади — бутун жаҳон таълими тизимига кириш ва дипломларимизни тан олиншига эришишдир. Шу туфайли ҳам бутун жаҳон таълим тизимига киришимиз ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун Европа мамлакатлари тажрибаси ва хорижий тилларни пухта ўрганишимиз керак.

Анжуманда республикаимиздан асосан олий таълим тизими ўқитувчилари қатнашади.

РАНГЛАР ШОВУЛЛАШИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Вячеслав Усеиновнинг «Турфа ранглар шовуллаши» мавзуда шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада расмоннинг «Кўлмак», «Гажак», «Сомон йўли», «Хаёлдаги уй сояси ёхуд вокесиз дунёнинг жазира-ма сусткашлиги остида» каби «неоабберация» услубда яратилган йигирма еттита ранг-тасвир асарлари фотоси ва иккита ҳайкалтарошлик асари на-

мойиш этилди.

Ушбу услуб томошабинлар ҳамда расомлар учун бутунлай янги услуб бўлиб, «янги-янгилаш» — деган маънони англатади. Ушбу услубнинг ўзига хослиги шундаки, бунда битта расм бир нечта асар учун асос қилиб олинади. Бу услуб

рус расоми Филонов таъбири билан айтганда: «Хар бир атом энг охири даражада мукамалликда ва кучланишда бўлиниши лозим», — деган гоани тасдиқлайди.

Кўргазмада «Туман муҳрлаган лаблар» энг диққатга сазовор расм деб топилди. Рассом

бу асарини Леонардо до Винчининг машҳур Мона Лизасидан илҳомланиб яратган ва яна кўпгина бошқа янги асарлар яратилишига асос бўлган.

В. Усеиновнинг асарлари Самарқанд Давлат музейи, Фарона вилояти музейи, Тошкент Бадий кўргазмалар дирекцияси, АҚШ, Франция, Италия ва Исроил каби давлатлардаги шахсий коллекция ва галереяларда сақланади.

«Туркистон-пресс»

• ТАЪЛИМ

МУАЛЛИФЛИК ДАСТУРЛАРИ

«Миллий истиклол гоёси ва маънавият асослари», «Ватан туйғуси» билимлари мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ана шу фанлардан машгулотлар олиб бориш сифатини янада ошириш борасида тажрибали педагоглар кўшимча ўқув адабиётлари яратишга киришдилар.

Тошкентдаги 210-мактабнинг бу борадаги изланиши ҳам диққатга сазовордир. Мохир ўқитувчи Гўзал Маметованинг муаллифлик дастури ҳам таълимий йўналишда юзага келди. Маънавий ва маърифий билимларни ўқитишнинг ўзига хос услубий томонларига қаратилган мазкур адабиёт мактаб ўқув жараёнига татбиқ қилинди.

«Конституция олами бўйлаб саёҳат» ўқув курси бўйича ҳам муаллифлик дастури яратилди.

Аҳмад АББОСОВ



Сингилжоним, мунча ширинсан!

Кейинги пайтларда дунёнинг барча мамлакатларида сил касаллиги кўпайиб бораётганлиги кўпчиликини ўйлантираётган долзарб муаммога айланиб қолди. Шу муносабат билан бист Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтининг директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВга ушбу хасталикнинг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Абдулла ака, кўпчиликка маълумки, бугунги кунда республикамизда сил касаллиги билан оғриган беморлар катта ёшдагиларда ҳам, кичик ёшдаги болаларда ҳам учрамоқда. Ушбу касалликнинг келиб чиқиши, унинг белгилари ҳақида гапириб берсангиз.

— Сил — тананинг барча аъзоларида, асосан ўпка тўқималарида ўзига хос яллиғланиш рўй бериши билан кечадиган юқумли касалликдир. Сил касаллиги инсониятга қадимдан маълум. Касалликни қўзғатувчи сабабчи—сил микобактериялари 1882 йили немис олими Роберт Кох томонидан топилган. Микроскопда кўришганда микроб донсиррачали интичка, тўғри ёки салгина буюкдан таъқча—бацилла шаклида кўринган. Унинг учун сил таёқчалари—Кох бацилласи деб аталган. Сил билан нафақат одамлар, балки ҳайвонлар ҳам касалланиши мумкин. Хозирда ҳайвонот дунёсидан 50 тури ва паррандалардан 60 тури сил билан касалланиши аниқланган. Уй ҳайвонларидан қорамол сил билан касалланишига жуда ҳам мойилдир. Сил билан итлар ва уй мушуклари ҳам оғрийдилар. Демак, сил касаллигининг тарқалишида бемор одам билан бир қаторда юқорида кўрсатилган ҳайвон ва паррандалар ҳам сабабчи бўлишлари мумкин. Асосан, бемор одам касаллик манбаи ҳисобланади, чунки унинг ўпкасида хасталик ўчоқлари бўлиб, агар емирилиш даврига ўтса йўталганда чиқараётган нафаси жуда кўп микдорда сил бациллалари балғамнинг майда заррачалари билан ҳавога тарқалади. Бу заррачалар ҳавода 1,5 соатча муаллақ туриши мумкин. Бемор балғами ерга тушганда у қурийд ва таркибидagi сил бациллалари атрофга ёйилади. Улар ҳаво орқали соғлом кишининг нафас йўлига ва ўпкасига тушиши ва касаллик қачириши мумкин. Буни аэроген инфекцияланиш дейилади. Бундан ташқари сил бацилласининг қора мол тури билан касалланган қора мол сутти, гўшти истеъмол қилинса ҳам сил бацилласи киши танасига тушиб касаллик қачириши мумкин. Касалликнинг бундай тарқалиши алиментар юқиш дейилади.

Сил бошқа хасталиклардан фарқи ўлароқ кишиларда турли-туман кўринишда намоён бўлиб, кечини бир хил бўлади. Сил билан ёшу қари, аёлу эркеклар оғрийдилар. Бу касалликда нафақат ўпка, балки бошқа аъзолар ҳам шикастланиши, суяк, бўғимлар, кўзлар, тери, буйрақлар, лимфа, асаб тизимлари ва ҳоказо. Баъзан касаллик шиддат билан ўпка зотилжамми ва ич терламага ўхшаб бошланади. Бошқаларда эса билинар-билинмас, яширинча бошланиб, тасодифан рентеннологик текширувда аниқланади. Касалликнинг турли-туман манзарага эга бўлишининг сабаби кўпдир. Булар микобактериянинг хусусиятига, юқтирилишининг салмоғига, беморнинг ёшига, инсон танасининг касалликка қарши кучига (иммунитети), асаб тизимининг ҳолатига, овқатланиш, меҳнат қилиш ва яшаш шароитига боғлиқдир. Агар беморнинг юқорида қайд этилган шароитлари мукаммал бўлса, микобактериялар юқанида ҳам касаллик ривожланмайди. Баъзи беморларда эса инфекцияланиш касаллик ривожланишига олиб келади, тана ҳарорати кўтарилади, кечалари терлаш мавжуд бўлади, уйку ва иштаха ёмонлашади, ишга лаёқатсизлик сезилади, болаларнинг ўқиши сусаяди, инжиқ, серхархаша бўлиб қолади.

— Айтингчи, кишилар қандай ҳолатларда шифокорга мурожаат қилишлари керак? Ушбу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Сил касаллигини ҳозирги вақтда бутунлай даволаш мумкин. Касаллик қанча эрта

аниқланиб, муолажа бошланса, тузалиш ҳам барвақт бўлади. Кишиларда ҳеч қандай сабабсиз иситма чиқса, тана ҳароратининг 37,0—37,5 С даражага кўтарилиши сил касаллигига хос белгилардир. Кўпинча иситма жисмоний иш қилгандан кейин кечқурун чиқади. Кечаси иситма тушгандан сўнг бемор қаттиқ терлайди. Тез-тез калта ва қуруқ йўталиш пайдо бўлади. Кейинроқ йўталганда балғам ажрала бошлайди, айрим ҳолларда эса балғам қон аралаш чиқади, улар ҳам ўпка силгига хос аломат ҳисобланади. Беморнинг иштахаси йўқолиб, кундан кунга озади, озгина ишласа ҳам чарчаб қолади, уйқуси ёмонлашади, серзарда бўлиб қолади. Агар юқорида кўрсатилган белгилар пайдо бўлса, албатта шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 17 майдан қўлга кирган «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқароларига, мамлакатимизда доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга сил касаллигига текшириш ва даволаш ишлари бепул амалга оширилади.

Беморларга муолажа одатда махсус силга қарши шифохоналарда бошланади ва касаллик турига қараб 3-4 ойгача давом этади. Силга қарши дори-дармонлардан изониазид, метазид, тивазид, рифампицин, этамбутол, стрептомицин, пипразинамид, канамицин қўлланилади. Булардан ташқари патогенетик, иммунomodлятор, сўрдирувчи дори-дармонлар ва дармондорилар ҳам зарурият бўлганда ишлатилади. Агар беморларнинг умумий аҳоли қониқарли, ўпкадаги жараён кичик бўлса ва балғамда микобактериялар топилмаса, муолажани уй шароитида силга қарши диспансернинг ҳудудий физиотерапевт назорати остида ўтказиш мумкин. Беморлар шифохонадан чиққандан сўнг турар жойларида силга қарши диспансерда ҳисобга турадиган ва муолажани давом эттирадиган. Муолажанинг умумий муддати касалликнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади ва 8-12 ойни ташкил этади.

Касалликнинг олдини олиш учун, оилада бемор аниқланганида, оиланинг барча аъзолари силга қарши диспансерда текширувдан ўтадилар. Улар рентгенологик, 12 ёшгача бўлган болаларда эса Манту синамаси қўйилиб текширилади. Агар мулоқотда бўлган беморда сил микобактериялари топилса, оила аъзоларига, асосан болаларга химиопрофилактика ўтказилади. Бунда 2 ойгача йилда 2 марта изониазид (тубазид) истеъмол қилиш тавсия этилади. Аввалроқ айтганимиздек, сил касаллиги бақувват кишиларда жуда кам ривожланади, аксинча, нимжон кишиларга тезда юқади. Силнинг олдини олишда инсон танаси қувватини оширувчи тадбирларни ўтказиш лозим: буларга соғлом меҳнат ва турмуш тарзида яшаш, бадантириш ва спорт билан шугулланиш, танани чиниқтириш, меърида овқатланиш ва дам олиш кирди. Силнинг махсус профилактикаси ҳам касалликнинг олдини олишда муҳимдир. Бунинг учун БЦЖ вакцинаси билан эмлаш ўтказилади. Янги туғилган чақолларга тугруқхоналарда биринчи марта силга қарши эмлаш ўтказилади. Қайта эмлаш болаларга ва ўсмирларга 7 ва 14 ёшларида ўтказилади. Чунки эмлаш натижасида тананинг силга қарши қуввати—иммунитети ошади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сил касаллиги агар кишилар ўз соғлиқларига эътибор берсалар уларда ривожланмайди. Касаллик белгилари пайдо бўлиши билан шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилинса, касалликнинг олди олинади.

Дилором ИКРОМОВА сўхбатлашди.

• МУШОҲАДА

ДУГОНАЛАР, ЧЕКМАНГ!

Шанба кун иёллар маслаҳатхонасидаги ишларини тугатиб, менга бириктирилган маззелардан бирида яшовчи Б. исмли хомилалар аёлдан хабар олгани унинг уйига борсам, эшикни очган қариндоши:

— Вой доктор, жуда вақтида келдингиз, тезроқ уйга кириб опамизга ёрдам беринг, деб мени таклиф этди.

Не кўз билан кўрайки, аёллар маслаҳатхонасида ҳисобда турувчи менга бириктирилган аёл бесаранжом кўзларини тиккан ҳолда ёрдам беринг, демокчи, лекин нафас олиши жуда қийинлашиб, гапира олмас эди.

Мен дарҳол бор имкониятлардан фойдаланиб, нафас олишини биров енгиллаштиришга ёрдам бердим, лекин унинг аҳолини фақат шифохонадагина меърига келтириш мумкинлигини ҳисобга олиб, «Тез ёрдам» чақириб, уни ўпка касалликлари институтига олиб бордик.

У ердаги шифокорлар бутун чораларни ишга солишди. Фақат махсус асбоблар ёрдамида нафас йўлларида талайгина балғамни олиб ташлагандан кейингина беморнинг аҳоли яхшиланиб, нафас олиши енгиллашди, лекин ҳарсиллаш ҳали давом этмоқда эди. Аҳоли биров яхшилангандан кейин бемор

аёл менга текилиб туриб: «Докторжон, сизни ишдан кейин ушлаб қолдим, раҳмат, мени бу ерга олиб келмасангиз аҳолини нима бўларди? Мен бемалол нафас олаётган одамларга ҳавасим келади. Хомилам нима бўлади? Узимга ўзим дард орттириб олган эканман? Негайм чекишга одатланган эканман? Сизнинг чекиш ва унинг аёл организмидеги таъсири ҳақидаги сўхбатингизни шитгандан сари ўйлайман: мен чекишнинг нафас аъзоларига таъсири устида эшитган эдим, лекин аёллар организмнинг бошқа томонларига таъсири ҳаёлимга ҳам келмаган экан, деб биров сукут сақлагандан кейин, гапида давом этиб чала туғилган ва яшай олмаган иккита фарзандимга ҳам ўзим завол бўлган эканман». — деб кўзига ёш олди...

Мен эса бу аёл билан касаллик тарихини расмиyllаштираётганимда бўлган сўхбатни эслардим...

Бемор аёл олий маълумотли бўлиб, 30 ёшида турмушга чиққан. Икки мартаба хомилалар бўлиб, иккаласида ҳам болалари чала, вақтига етмасдан туғилган ва бир неча кун яшаб ҳалок бўлган.

У талабалик давридан бошлаб чека бошлаган, авваллари атрофдагиларга ҳавас қилиб,

кейинчалик кашанда сифатида кунига 10-15 тадан тамаки истеъмол қилган.

Эндигина 39 шахорни қаршилаган бу аёлнинг кўриниши 50 ёшдаги аёлларни эслатарди, ранглари синиққан, озгин. Бир неча йиллардан бери йўталиб, бировдан балғам туғлаб юрган ва бу ўткинчи ходиса деб шифокорга мурожаат этмаган, кейинчалик борган сари йўтали кучайиб, балғам ажралиши қийинлашиб, аҳоли ёмонлашиб борган. Вақти-вақти билан нафас қисими ҳосил бўлган, кейинги вақтларда нафас қисими узоқ давом этадиган бўлиб, ўпка касалликлари бўлимида бир неча мартаба даволаниб юрган.

Ҳўш, бу аёлда шунча мураккаб касалликнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? — деган савол туғилади. Бунга асосий сабаблардан бири кашандаликдир.

Кашандалик нафас аъзоларининг заволи бўлиб, олдинлари енгил-елпи кечадиган бронхит касаллигини келтириб чиқаради ва кейинчалик касалликнинг таракқий этиши натижасида, бронхитнинг мураккаб, хаётга хавф солувчи оғир формалари юзга келади.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш экспертларининг фикрича, хозирги замонда чекиш инсон саломатлигига пугур етказувчи, унинг умрини кичиратирувчи, ҳаётини захарловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади ва «саломатликка хавф солувчи энг кучли фактор»

деб топилган. Шунинг учун хозирги вақтда бутун дунё бўйича чекишга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Чекиш устида илмий текшириш ишлари олиб бораётган олимларнинг фикрича, кунига 0,5-1 пачка чекувчиларнинг 5 йилга, 1-5-2 пачка чекувчиларники 10 йилга қисқарар экан. Натижада юрак хуружидан тўсатдан ўлганлар кўпи чекувчилардир. Кўп чекадиган кашандаларнинг умри 48-55 ёшдан ошмас экан.

Тамаки тутунининг нафас аъзоларига таъсири жуда каттадир. Чунки тамакини ёнишидан нафас йўлларига захарли таъсир этиши мумкин бўлган 30 хил кислоталар, 20 дан ортик алкоғоллар, 27 хил альдегидлар, 80 хил рак келтириб чиқариши мумкин бўлган бирикмалар ва радиактив моддалар ҳосил бўлади.

Аввало тамаки тутунини нафас йўллари шиллик қаватини қитиқлайди, у ердаги шиллик безларнинг ишини кучайтиради. Натижада балғам ҳосил бўлиши зўрайиб, уни ташқарига чиқариш зарурияти келиб чиқади. Яъни йўтал қўлиб, чекувчилар безовталанадилар. Тамакини доим чекиш, нафас йўллари шиллик парда тўқималарининг доимий қитиқланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида у тўқималар ҳужайраларининг функцияси бузилиб, керагидан ортикач шиллик (балғам) ишлаб чиқаради ва ниҳоят улар чарчайди.

Ҳамамага яхши маълумки, хомилалар аёл-

ларда овқатни ҳазм қилиш бирмунча ўзгаради (бошқоронглик), чекувчи аёлларда эса бу ўзгариш анча чуқур бўлиб, организмни ҳолсизландиради.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, тамаки чекишда ҳосил бўладиган канцероген моддалар, айниқса бензпирин она организмда тақомиллашаётган эмбрион тўқималарига, яъни ўсаётган болага жуда кучли таъсир кўрсатиб, унинг нормал таракқийтини бузади, натижада бола турли нуқсонлар билан туғилиши мумкин.

Шунингдек, чекувчилар билан бир қаторда чекамайдиган, лекин тамаки тутун тарқалган хонада бўлган одамларга ҳам унинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳарча зарари ўз таъсирини кўрсатади. Буни одатда «пассив» кашандалик, яъни чекамай туриб, тамаки зарбасига учраш дейилади.

Шунинг учун уйингизда ва атрофингиздаги чекувчиларга ҳам бефарқ қараманг!

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, чекувчи аёлларнинг фарзандлари «пассив» чекувчиларга айланадилар ва тамаки зарбасига дучор бўладилар.

Шундай қилиб чекиш аёлларга мутлақо мумкин эмас, айниқса хомилалар аёлларга, чунки улар ўзларидан ташқари бўлгуси фарзанди учун ҳам жавобгардилар.

Дилфуза АЪЗАМОВА,
шифокор-гинеколог.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

• ЗАҲМАТКАШЛАРИМИЗ

Кеч кириб, оқшом чўка бошлади. Олам сукунатга чўмди. Атрофда сирли осойишталик ҳукмрон. Бунинг ўзгача сеҳри, гўзаллиги ҳамда ажиб тароватини фақатгина тун бўйи мижжа қоқмай оромбахш тонгни кутиб олаётганларгина ҳис этадилар.

Шаҳримиздаги Республика Давлат шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг кардио-реанимация бўлими мудир тиббиёт фанлари доктори Йўлдош Зияев мана ўттиз икки йилдан буён неча бор туларни бедор ўтказмади дейсиз. Баъзан беморнинг ҳаётмамоти учун кураш кетади. Шунда институтни тугаллаётби Гиппократнинг муқаддас қасамдини ўз устозлари олдида бош эгиб такрорлагани ёдига тушади: «Шифокорлик касбини улуглаб, унга бир умр содиқ қоламан». Унинг бу садокати оддий шифокор-реаниматологни элига, Ватанига таниди. Унинг ҳар бир беморга бўлган муҳаббати, қуюнчаллиги янада кўпроқ ўқиб, изланишга ундади.

Юрак хасталикларининг маккор «тажовуз»лари, қон босими касаллигининг «наيران»ларига қарши кураш чораларини излаб топиш ва уни тезкорлик билан даф этишдек эзгу ишга бел боғлади. Ёш шифокор Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтида хизматдан ажралмаган ҳолда илмий ишга қўл урди. Уқувчилик йилларидаги физика, химия, математика фанларидан олган пухта билимлари ҳамда электрон ҳисоблаш техникалари билан бемалол тиллаша олиши жуда асосқоти. Техника фанлари докторлари Фотима Одилова ва Хусан Қодировлар эш олимнинг интилишларида унга маслаҳатдош бўлишди, фикрларини қўлаб-қувватлашиб устозлик қилишди. Шунингдек, унга ўнлаб олимларнинг пухта тажрибаларини синчиқлаб ўрганишини тавсия этишди. Юздан ортик катта-кичик мақолалари турли илмий-оммабоп журналларда чоп этилди.

1981 йилда «Қон босими касаллигига ташқи муҳитнинг таъсири» мавзусидаги илмий иши олимларнинг навбатдаги муҳомадасида юқори баҳо олди. Шундан сўнг Йўлдош Зияев тиббиёт фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди. Қон босими касаллигининг тафсилотларини аниқлашда ва уни даволашда периферик вазодилатор аппаратдан унумли фойдаланила бошланди.



ЭЗГУ ИШГА БЕЛ БОҒЛАБ

Йўлдош Зияевнинг бутун фикри-ёди фақат бир мақсадга, яъни бошлаган ишини ниҳоясига етказишга қаратилди. У баъзан оиласини ҳам, фарзандларини ҳам унутиб, ундан нажот кутаётган беморлар ёнида уларга ҳамдард бўлиб, тонг оттиришга тўғри келарди. Аксари у етказиш қилаётган бўлимига аҳоли жуда оғир беморлар келтирилди. Уларга зудлик билан амалий тиббий ёрдам кўрсатилмаса Йўлдош Зияевнинг кўнгли тинчимайди. Айниқса бугунги тун жуда оғир кечди. Клиник ўлим ҳолатида келтирилган Зебо Усмонова реанимация хонасига етказилаётганда Йўлдош Зияев кетма-кет олиб келинган ун нафар беморга муолажа қилаётган эди. У хушсиз аёлни таниди. Бу ерга унинг учинчи бор келтирилиши. Миокард инфаркти билан оғриган бу аёлнинг юзиде ҳаётдан нишона йўқ ҳисобди. Бўлимнинг катта-кичик ходимлари яқинлик билан навбатдаги «жанг»га ташла-нишди. Хонага оғир сукунат чўмди. Касбдошлари Санжар Эргашев, Нурсат Исахонов ва ҳамширалар ҳаммаси ўз ишларини қаққонлик билан бажаришарди. Нигоҳлар фақат беморга қадалган.

Йўлдошнинг юзига қизиллик югургандай бўлди. Пешонасидан сизиб чиққан тер томчилари чирок нурида майда гавхарлардек ялттиради. Беморнинг юраги секин, жуда секин ура бошлади. Қилинган меҳнат беқор кетмади. Юракнинг ҳаракатини кучайтириш учун қўшимча муолажалар белгиланди...

Бундан ўн йиллар олдин олимнинг қон босимини даволаш мавзусидаги докторлик диссертацияси юксак баҳоланиб, тиббиёт фанлари доктори унвонига сазовор бўлди. Олимлик мансаб эмас дейдиганлар сирасига кирадиган Йўлдош Зияев каби инсонларга ҳаммиса яхши умидлар боғланади. Ўз касбининг фидойиси бўлган саломатлигимиз посбонига ҳаммиса омонлик, бардамлик, ишларига омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

Исмоил ТЎЛИБСАЕВ.
СУРАТДА: тиббиёт фанлари доктори Йўлдош Зияев бемор аҳолини аниқламоқда.

Грипп ва бошқа респиратор вирусли инфекция билан касалланган беморларда хасталикнинг белгилари бир хил бўлса ҳам, уларни турли хил вируслар чақиради, аҳоли орасида тарқалиши оммавий тус олиши мумкин. Юқумли касалликлар ораси-

да грип ва ўткир респиратор вирусли инфекция бириктириб, унинг зарари ҳар йили бир неча милли-

онлаб сўмга етади. Шу сабабли грип ва ўткир респиратор вирусли инфекция касалликларининг олдини олиш тиббиёт ходимлари, ҳатто барча инсонлар олдида турган жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Хозирги кунда касаллик эпидемия давригача бўлган мавсумликка хос ҳолатда рўйхатга олинмоқда. Грипп — бу ўткир юқумли касаллик бўлиб, тўсатдан бошланади. Касалликнинг биринчи кунидеёқ тана ҳарорати 39 С га кўтарилиши, бош оғриши, эт уюшиб, бутун танада каттик оғриқ бўлиши мумкин. Грипп касаллигини тарқатувчи ягона манба — бу грип билан оғриган бемордир. У йўталганда, аксирганда, гаплашганда ташқи муҳитга грип вирусини тарқатади. Соғлом одамга грип ҳаво — томчи йўли билан юқади. Шунинг учун ҳам бу касаллик билан авваламбор аҳолига хизмат кўрсатувчи тоифа одамлар оғрийдилар. Гриппдан сақланишнинг энг оддий усули докадан тикил-

надиган жойларда: трамвай, автобус ва бошқа ерларда касаллик микроблари юқиши мумкин. Шунингдек, грип касаллиги бемор фойдаланадиган буюмларда, масалан дастурмолча, сочик, идиш-товоқ ва бошқа буюмлардан ҳам юқади. Грипп билан оғриган киши юрмаслиги, ётиши ва уйга шифокорни чақариши керак. Беморни алоҳида хонага ётқизиш зарур.

Грипп касаллиги баъзан тумовсиз, йўталсиз ва юқори ҳароратсиз ўтиши, лекин беморнинг умумий аҳоли оғир бўлиши мумкин. Грипп касаллигини тарқатувчи ягона манба — бу грип билан оғриган бемордир. У йўталганда, аксирганда, гаплашганда ташқи муҳитга грип вирусини тарқатади. Соғлом одамга грип ҳаво — томчи йўли билан юқади. Шунинг учун ҳам бу касаллик билан авваламбор аҳолига хизмат кўрсатувчи тоифа одамлар оғрийдилар. Гриппдан сақланишнинг энг оддий усули докадан тикил-

Грипп хавfli асоратлар қолдириши мумкин. Гриппнинг оғир формаси билан касалланган беморларни шифокор тавсияси билан касалхонага ётқизиш зарур.

Грипп кичик ёшдаги болалар учун жуда хавfliдир. Болаларни грип касаллигидан сақланг. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганда болани яслига олиб борманг.

Грипп билан касал бўлмаслик учун орга-

низмни чиниқтириш керак. Бунинг учун очик ҳавода кўпроқ сайр қилиш, спорт билан шугулланиш, ҳар кун эрталаб бадантарбия қилиш, кетидан танани ҳўл сочик билан артиш керак.

Гриппдан сақланишнинг энг ишончли йўли, бу — грипга қарши эмланишдир. Хозирги кунда «Инфлювак» ва «Ваксигрипп» вакциналаридан фойдаланилмоқда. Эмлаш асосан хавfli гуруҳга мансуб аҳоли ўртасида марказлашган ҳолда ташкилотлар раҳбарияти томонидан ўтказилади.

Аҳоли грип касаллигидан химояланиш учун пуллик эмлаш пунктларидан фойдаланишлари мумкин. (М.Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли 154-уй, Тел: 133-09-02. 133-60-04).

Дилдора МИРБОЕВА,
Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали директори.

• ШИФОКОР ОҒОҲЛАНТИРАДИ

ГРИПП КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Совуқ кунлар бошланиши билан шамоллаш касаллиги кўпаяди. Бундан ташқари йилнинг куз-киш мавсумида грип ва ўткир респиратор касаллиги ҳам тарқала бошлайди.

Шарқ дурдоналари

03-03 УТГАНИЙ
ДОМО БУЛАВ...

● Кўпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқаргунча у яхши ёмон дейишдан тилингни тий, инсон агар қулфланган сандиқ бўлса, уни тажриба ақлигина оча олади.

● Кимки мулоим бўлса саодатлик, кимки кам гап бўлса саломат бўлади.

● Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

● Худбинлик инсонга заво келтиради. Кимки худбин бўлса, халқ назаридан қолади.

— Эй азиз киши, агар сен инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар сен улуғликни хоҳласанг яхшилик йўлини тут.

Байт:

Ўзни паст олдию ўсиб чиқди дон,

Қамиш бош кўтариб эгилди гирён.

● Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинди:

Биринчиси — хануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табии хали ёмонлик губори билан булганмаган, юраги эса бутил ишлар зулмат билан қораланмаган бўлади. Бундай болани тўғри, яхшилик билан осонликча йўлга солиб юбориш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг галабаси билан яхшилик томонга бурилла олмай қолган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билди. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбехлар берилса албатта яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси — оилада бутил ҳаёт ва фисид фикрлар билан ўсиб, улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб келган ва шунга астойдил эътиқомат қилган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тажрибасига киришиш — тирноқ билан қудуқ қазиш. Ёки ҳали қизиб, чўққа айланмаган темирни болғалаш билан баробар.

Донлар яхши ёки ёмон хулқи бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музани эритгани ёки сув тузани эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликни эритиб юборади.

Байт:

Билимдонлик ажаб яхши матодир,
Бу бойликсиз қолган катта хатодир.

Соф рақобат муҳитини барпо этиш — бозор механизми фаолияти учун жуда муҳимдир. Товар бозорларидаги рақобат кураши ишлаб чиқарувчиларни ҳўжалик юртишнинг самаралироқ усулларини излашга, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этишга, товарларнинг сифатини, хизмат кўрсатиш даражаларини доимий равишда ўстириш йўллари излашга мажбур қилади, бу эса ўз навбатида нафақат алоҳида олинган корхонанинг, балки бутун иқтисодийнинг молиявий барқарорлигини оширади. Лекин, энг асосийси рақобат — истеъмолчиларга яхши товарларни нисбатан арзон нархларда сотиб олиш имконини яратиб, уларнинг ҳарид қилиш қобилиятини оширади. Сотиб олиш қобилияти қанчалик юқори бўлса, жамият фаровонлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Шундай қилиб, рақобат бозор иқтисодий тартибни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ва арзон нархларда ишлаб чиқаришга ундайди. Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради, янги рақобатчиларни юзага келтиради, чунки тадбиркорлар сафи кенгайиб боради. Рақобат бозорнинг ҳамма турларида амал қилади. У ҳўжалик юртишининг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулни топишга мажбур қилади.

Монополияга қарши қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб бозорни шакллантириб бўлмайди. Монополияга қарши фаолият рақобатни рағбатлантириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ўзбекистонда монополияга қарши кураш ва рақобат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш мустақилликнинг илк кунлариданоқ бошлаб юборилди ва бу борада биринчи қадам — 1992 йил 2 июлда «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши бўлди. 1993 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра монополияга қарши сиёсатни ўтказиш бўйича вазифалар Молия вазирлигига юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15 майдаги Фармони билан Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Фармонда белгилаб қўйилганидек, қўмита рақобатни ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш со-

ҳасидаги сиёсатни ўтказиш бўйича давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш ўз навбатида монополияга қарши

сиёсатни такомиллаштириш ва рақобатни ривожлантириш заруратини юзага келтирди. Ушбу масала 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонунда ўз аксини топти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони га биноан эса биринчи ва асосий масала қилиб Республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустаҳкам ҳуқуқий базани шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи марказ функцияларини амалга ошириш белгиланган. Бундан, Монополияга қарши орган ўзига юклатилган вазифалар ва ваколатлардан келиб чиққан ҳолда бошқа давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириши кераклиги юзага келади.

Ҳозирги кунда қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунларнинг ба-

жарилишини назорат қилади.

Товар бозорларида рақобат муҳитини шакллантиришни асосий шартларидан бири, бу — корхоналарни тенг шароитларда ишлаши учун шароитларни яратиш, уларнинг ривожланиши учун тўғаноқ бўлаётган ҳар хил тўсиқларни бартараф қилишдир.

Бизнинг фикримизча корхоналарнинг тенг шароитларда ишлашини таъминлаш ва бозорда рақобат муҳитини шакллантириш учун:

- 1) Корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашувларни чеклаш;
- 2) Ресурсларни тақсимлашда ҳўжалик бирлашмаларининг ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш;
- 3) Ҳўжалик бирлашмалари таркибини ҳўжалик фаолияти юртиш билан бошқарув функцияларини биргаликда бажарилишини соқит қилган ҳолда қайта кўриб чиқиш;
- 4) Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш лозим.

Шу билан бирга фикримизча ҳозирги кунда республикада юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар, кўпгина товар бозорларида ривожланган рақобатдан келиб чиқиб, амалда қўлланилаётган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунини ҳам такомиллаштириш ва ҳозирги кун талабига жавоб берадиган янги қонун қабул қилиниши лозим. Амалдаги қонун товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхта-тишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиниши учун шароитлар таъминлашга қаратилган бўлиб, бунда нафақат рақобатни ривожлантириш, балки яратилган рақобатни ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли янги қонун нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида ҳам монополистик фаолиятни чекловчи ва рақобатни ривожлантиришга ҳамда яратилган рақобатни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

О. МИРЗААХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тингловчиси

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Давр садолари» фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

«ДАВР САДОЛАРИ»ГА МАРҲАМАТ!

Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбу фестивал дас-туридан симфоник, эстрада, болалар мусиқаси, камер мусиқаси, дамли чолғулар мусиқаси, доторчи қизлар ансамбли, хор асарларидан тузилган концерт, ёш бастакорлар концерти, хотира концертлари, ўзбек чолғу оркестри, мақомчилар ансамбли, орган

мусиқаси концертлари ўрин олган.

Тадбирни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухалил Абдуқодировлар ўзларининг оханрабо кўшиқлари билан очиб бердилар. Сўнг «Лайли ва Мажнун», «Дилором», «Тоҳир ва Зухра» операларидан

ариялар ижро этилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Ёшлар мусиқали театри симфоник оркестри ижросида янграган куйлар барча йигилганларни хушнуд этди.

«Давр садолари» фестивали 15 декабрда давом этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».



Гуллар—гўзаллик, тинчлик, шоду хуррамлик, муҳаббат рамзидир. Айниқса кўлларида гулдаста тутган қизларнинг чехраси янада гулгун яшаб, чиройларига минг чирой қўшилади. Лоларанг юзларига табассум югуради. Гуллар севишган қалбларга шодлик, бир олам қувонч бахш этади.

Габрово натифалари АЛДАР ҚОП

Габрово яқинида жойлашган қишлоқларда яшовчиларнинг қизиқ бир одатлари бор экан: улар от қўшилган арава-ларда бозорга олди-сотти қилиш учун мол олиб боришар, йўллари эса бир тепалиқдан ўтаркан. От тепалиқдан эсон-омон ўтиб кетиши учун улар сули солинган қопни озгина боғлаб, отга яқинроқ қўйиб қўйишар, от эса хашакнинг хидини олиб: унга инти-ла-интила тепалиқдан ўтиб кетар экан. Тадбиркор одамлар яшаган ҳозир ҳам сақланган бўлиб, у Тор баласи (Алдар қоп) деб аталади.

КИСҚА ТЕЛЕГРАММА

Габровлик савдогар ишларини битиргач, уйига — хотинига телеграмма жўнатмоқчи бўлди: «Моллар яхши кетди нукта жума кунга Габровда бўлман нукта сенинг Димитринг».

Бундоқ қараса телеграмма чўзилиб кетгандек туюлди, дарҳол учирма бошлади: «жума кунга кечкурун етиб борман нукта сенинг Димитринг».

Бу ёзганлари ҳам савдогарга маъқул бўлмади. Чунки ўзи барибир етиб боради! Яна ўчирган эди: «Сенинг Димитринг» қолди, холос.

— Буни жўнатиб бекорга пул сарф қилиб, нима қилдим, ўйлади савдогар, — ахир менинг Димитрий эканлигим маълум-ку. У шундай ўй билан почта хонадан чиқиб кетди.

ЖИН УРАРМИДИ...

Бир киши Габрово атрофидаги қишлоқ болаларини хунарга ўргатарди. Ҳақиқа хонадонлар қўлобола вино ваъда қилишган эди. «Икки юз хонадондан икки челақдан жами тўрт юз челақ вино пуллаб олсам, ажойиб иш бўларди», — хунарманч ана шундай орзулар билан винога каттақон бочка тайёрлаб қўйди.

Бочкага тўрт юз челақ вино ағдаришгач, харидорлар ҳам кела бошлади. Улар ичимликдан таътиб қўришгач, афтларини бужмайтиришди ва бочкадаги вино эмас, қулқуруқ сув эканлигини маълум қилишди. Хунарманч буни эшитиб, донг қотиб қолди. Буни қарангки, икки челақ билан бочкадаги винога жин урармиди, деб барча хонадон эгалари бочкага сув қўйишараверган экан.

ҲАР КИМ ТОПГАНИНИ...

Бир кун турли шаҳарда яшовчилар ўзаро давра қуриши ўз шаҳарларини бири қўйиб, бири роса макташибди. Албатта баҳсада ҳеч ким бошқалардан ортада қолишни истамабди. Улар янаги учрашувга ўз шаҳарларидан энг яхши таом келтиришга келишиб, тўрт тарафга тарқалишибди.

Учрашувга хасковлик қовурилган кўзича, пловдивлик анвойи мевалар, карволик ерёнғок, троянлик олхўри ароғи, Бур шаҳарлик қовурма балик, асеновградлик вино, Горна оряховицлик қовурилган қолбаса келтирибди. Габровлик эса... акасини етаклаб келибди.

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Германияда касбий таълим тизими бир асрдан ортиқ тарихга эга. Жамғармининг бош ташкилоти Гамбургда жойлашган бўлиб, у Германиянинг 62 шаҳрида 86 маслаҳат ва таълим марказларига эга.

Мазкур жамғарма икки томонлама лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда раҳбар кадрлар ва мамлакатимиздан ўқишга юборилган талабалар малакасини оширишга яқиндан кўмак кўрсатиш истагини билдирмоқда.

Жамғарма вакилларининг 2003 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи давомида мамлакатимиз Олий ва ўрта таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-таъ-

лим маркази ва "Гроне" жамғармаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳужжат имзоланди.

Келишувга асосан 2003-2008 йилларда 100 ўзбекистонлик мутахассис учун йилга икки марта Германияда олти ойлик ўқув машғулотлари ташкил этилади. Бу эса ҳамюртларимизга енгил ва озиқ-овқат саноати, электротехника, радиотехника соҳаларида техник тайёргарлик курсларида тахсил олиш имконини яратди.

Айниқса, ахборот технологиялари, тиббиёт, саноат ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакаларини оширишлари алоҳида аҳамият берилди. Бу борада жамғарма билан Ўзбекистоннинг ахборот технология-

лари институти ўртасида ўзаро ҳамжихатлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

— Ўзбекистон жамғармаимиз билан республика касбий коллежлари ва академик лицейлари раҳбарлари малакасини оширишда кўмак кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаган Марказий Осиёда ягона давлатдир. Шунинг учун жамғарма МДХ худудидида Ўзбекистонга ўзининг асосий шериги сифатида қарайди, — деб таъкидлайди "Гроне" жамғармаси президенти доктор Хельмут Роланд.

Аслам АКБАРОВ,
"Ҳаҷон" АА,
Берлин-Гамбург-
Веймар-Берлин.

Гиевандлик — аср вобоси

менсимайдиган, мақтанчоқлар шулар. Ироданинг бағри какиб бўларди, кўча хандон, уй зиндон бўладиганлар мана шулар, дерди ўзига ўзи. Гиевандлик зехнини пўстак, феъл-били тўқим қилиб қўйган! Улар билан гаплашмоқ ҳам ўта мурраккаб.

Ирода ёқасини ушлади, ё, тавба! Бу ўзи қип-қизил шармандалик-ку! Бундай бангилар

— Сен пляжда эмассан, дярлик яланғочсан! Ўзбек халқига иснод! Қўлингга қара, укол моматалоқ қилибди. Гиевандлик нималигини биласанми?!

— Халқ номидан гапирма, сен — халқмисан! Бор, аравангни торт! — деди ярим яланғоч киз.

— Мен уни қаердадир кўргандаман... — деди йигит,

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЮРАК ТУҒЁНИНИ ШЕЪРИГА СОЛДИ Воқеий ҳикоя

қаёқдан пайдо бўлмоқда? Йигит сийгарага эмас, папирос чекар — аллақандай қўланса қиз тарқаларди. Бу — наша! Ҳиз йигит лабидаги папиросни олиб, лабига қўндирди, у ҳам куоқ тутунни ютди. Чол кета-туриб, хўрайиб боқди, юраги хаста бўлса керак, индамади, аммо ичидан: «Маданиятли, соғлом, ифрату ҳаёли фарзандларимиз қанча, чет элларга бориб ўқиб келиб мамлакатимиз қорига яраётган ўғил-қизларимиз қанча! Аммо, бунақалар ҳам бор», қабилидаги хаёл ютди.

Бу фикр Ирода калбида ҳам пайдо бўлди. Улар қаёқдан пайдо бўлаётти? Тор фикрловчи, хаёт мана шунча «ишлардан» иборат деб юрган баъзи ўғил-қизларимиз янглишаётган эканлар, нахотки уларнинг бетига ҳақиқатни айта олма-сак!

Ирода кекса одам қаби қўл силтаб кетолмади, вужудидида фавқуллода бир жасорат пайдо бўлди, бағри қўйиб, йигитга ҳам, қизга ҳам шартта танбех берди:

— Уялмайсизларми! Одамлар олдида бундай қилиқлар қилиш яхши эмас!

— Лаббай! — деди йигит лабидидаги сўлақай папиросини туфлаб ташлаб, — бирон нима дедингизми?!

— Дўст сифатида айтаяпман. — Бизнинг ўтирганимиз унга ёқмаяпти. Бизлар замонавий ёшларимиз. У, ойимтилла қарикизга ўхшайди, ҳа-ха-ха-ха-ха! Мошқичирингини еб, уйингда ўтиравермайсанми?! Биз қайф сураамиз, цивилизованный кишиларимиз, сенинг дастингда модний кийиниб бўлмайдими?! — деди масҳара қилиб, ўша ярим яланғоч банги киз.

— у шигир ёздадиган шоир!

— Эрга теголмаган ичи қора қарикиз бўлса керак! — деди дуркун оёқларини бир-бирининг устига қўйиб ўша беибо.

Танбехи қор қилмай, мулзам бўлган Ирода шу лаҳза уйига қайтиб кетди. Тахрири-юкка бориш у ёқда турсин, оёқлари қалтираб, руҳи тушди. Енгилди...

Шаҳримиз кўчаларида баъзан шунга ўхшаган гиевандлар, суоқ оёқлар пайдо бўлиб қолди. Хуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларидан бир вакил шу кеча кундузда телевидениега чиқиб, баъзи шахслар танини сотгани узоқ хориж мамлакатларига кетиб, хор бўлганликлари, жиноят қилганликлари хусусида куйиниб гапирди. Бу аччиқ ҳақиқатлар ёнидан ўтиб, баландрарвоз, чўчмал гапларни ёзиб юрганини фаҳмлади. Нима қилмоқ керак? Баъзи дўгоналаримиз нахотки ёмон одамлар таъсирга тушиб, хаёсиз, бети қаттиқ бўлиб қолмоқдалар? Юрак ёнади! Улардан бангиларнинг қўланса хиди тарқалади. Фронтчи чол ҳам бурнини ушлаб, кетиб қолди.

Ирода уйига қайтиб келиб, ўзини қаровотга ташлади, қурашда енгилган кимсадек руҳан чўкди. Нахотки шу сабақлардан енгилган бўлса! Бир мuddат осмонга қараб чалқанча ётди, бу ҳам бўлмагач, қўқсини босиб, изтироб чангалида эзилди. Қўчадаги бир беҳаё шахсини деб шунча изтироб чекадими киши?! Мен қаламшаман! Агар юртдошларим ҳақида ўйламас эканман, нега кўлимга қалам олдим? Мен нега шеър ёзмаман? Устозлар шеър — юрак туғёни, шеър — ҳақиқат дейдилар-ку! Шеър

бағишлаб куйлаганим ўша иф-фатли қизлар қани? Асл дўгоналарим қани? Куёш нуллари ҳамма ерга баробар тушиб тургани билан бир ерда гули раънолар, бир ерда ажриғу сасик алафлар ўсар экан... Ҳаёт ғоятда мураккаб. Буоқ шоир Муҳаммад Иқбол асал билан заҳар ёнма-ён туради, деб бекорга айтмаган.

Қаровотида сарнигун ётган Ироданинг хаёлига ўтмиш ривояти келди: қадим замонда бир мамлакатда бузуқчиликлар авж олиб, юрт таназзулга кетибди. Ишрат билан овора золимларга қарши халқ ичидан бир қахрамон чиқиб, қўшин тўплаб, жанг бошлабди. Аммо у енгилди. мағлуб пахлавон хонанишин, зах хўжрада қўқсини ерга бериб, ярим қоронғу бу ғушада умр ўтказа бошлабди. Шифтга боқиб ётган кунларининг бириди тепадан осилиб тушган бир ўргимчак унинг ёстиғига яқин келиб тураверибди. Енгилган пахлавон бир қўл силтаб ўргимчакнинг ипини узиб ташлабди. Лекин ўргимчак ана девордан ўрма-лаб шифтга чиқиб, ип боғлаб, осилиб тушиб пахлавон кимса ёстиғига яқин тураверибди. Пахлавон иккинчи бор, учинчи бор ҳам унинг ипини узибди, аммо ўргимчак ана бир мuddатдан кейин девордан ўрма-лаб шифтга чиқиб: яна арғимчоқ ташлабди. Етти бор ипи узилган ўргимчак етти бор шифтга интилибди...

Ирода чуқур хаёлга чўмди. Бир қитч жонзод-ки енгиллики тан олмас экан, митти жисмида шунча қудрат бор экан, агар саккизинчи бор узса саккизинчи бор телга қўтарилиши аниқ! Ўша халқ қахрамони еттинчи бор жангга кирибди. Бу гал енгилди! Фалаба!

Ирода телевидениеда чиқиб, аср вобосига қарши шеър ўқиди. Сийка, ўлдим-қуйдим деган мисралар эмас, кескин ва хаяжонли мисралар ёзиб, ҳамма ерда ўқиди.

Гиевандлик балосига қарши жанг — адолат жангидир! Ёш шоира Ирода хонанишин ёстиғига ўзига эп кўрмади, қадимий ривоят унга куч берди. Авлодининг ашаддий душмани гиевандлик, ирқий чирриш эканини пайқаган ёш шоирнинг қалби туғён урди.

У қўлига қайтадан қалам олди — бу қалам қиличчун найзалардан ўткир экани ҳаммага маълум. Гиевандлик иллатини йўқотиб, миллатини саломат сақламоқ ҳар бир ватанпарвар шоирнинг бурчи. Ирода хаяжонли, асло ёзмаслиги мумкин бўлмаган шеърни ёзиб, ухламай тонг оттириб, севики газетаси тахририятига кириб келди...

Спорт

**ГОЧКУЛИЕВ
ВАТАНИГА
ҚАЙТДИ**

Кейинги икки йил ичида «Пахтакор» жамоасини хужумга интилувчи, сермахсул, техник маҳорати юқори бўлган туркманистонлик легионер — химоячи Гочкули Гочкулиевсиз тасаввур этиш қийин. Зеро, жамоамизнинг барча ютуқларида ушбу иктидорли химоячининг ҳиссаси катта бўлди.

Маълумки, у ўнг оёғидан жиддий жараҳат олганлиги сабабли кейинги ўйинларда майдонга тушмаётганди. 8 октябрь куни эса Гочкулиев ўз юртига жўнаб кетди. Тахминларга кўра «Пахтакор» муҳлисари-нинг ёқимтойига айланиб қолган Гочкули Гочкулиев келаси мавсумни бошқа жамоада бошлайдми.

**ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР
БЕЛЛАШДИ**

Тошкент вилоятида велосипойнинг шоссе тури бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

25 километрга пойга бўйича сирдарёлик В.Тўйчиевга тенг келадиганлар топилмади ва у бу йилги Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлди.

135 километрга гуруҳ пойгасида пойтахт вилояти вакили М.Холмуродов зафар кучди.

Аёллар ўртасида эса ҳамшаҳарларимизга тенг келадиганлар топилмади. Унда барча совринли ўринлар Тошкент шаҳрининг «Лочин» клуби вакиллари О.Кривоконова, Б.Сафарова ва Л.Широчиноваларга насиб этди.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА
МАВСУМИ
ЯКУНЛАНДИ**

Шаҳримиздаги МХСК стадионида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Куролли Куяларнинг очик чемпионати баҳслари билан жорий йилдаги енгил атлетика мавсуми ўз пойнига этди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, чемпионатда тошкентлик спортчилар яхши қатнашиб, кўпгина турлар бўйича хурмат шоҳусласининг юқори поғоналарини забт этишди. Жумладан, Андрей Коенко 14,49 сония билан 110 метрга тўсиклар оша югуриш баҳсида, Марат Гарифуллин 53,56 сония натижа кўрсатиб 400 метрга тўсиклар оша югуриш бўйича голиб чиққан бўлса, Рустам Хуснутдиновга узунликка ва уч хатлаб сакраш бўйича тенг келадиганлар топилмади. Сергей Кот ядрони ҳамма рақибларидан кўра узокроққа иргитди.

Аёллар ўртасида Анна Сидорова 1500 метрга югуришда, Диана Плущани уч хатлаб сакрашда, Лилия Дўсметова найза улоқтиришда, Ольга Шчукина диск иргитишда голиблар сафини бошқаришди.

(Ўз муҳбиримиз)

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси тартиб ва қўриқлаш хизмати бошлиғи ўринбосари Пўлат Мажитович Негматовга уқаси

Баҳодир НЕГМАТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

• БОКС

Жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари совриндори, курраи заминда «Тошкент йўлбарси» номи билан танилган чарм кўлдоқ устаси Руфат Рискиев номини эшитмаган бирорта юртдошимиз топилмас керак.


**НУФУЗЛИ
ХАЛҚАРО МУСОБАҚА**

Мустақиллик шарофати билан яратилган шарт-шароитлар натижасида бугунги кунга келиб мамлакатимиздан Руфат Рискиевнинг издошлари бўлиш кўлаб иктидорли боксчилар етишиб чиқди. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Хайдаров, Руслан Чагаев каби чарм кўлдоқ усталаримизни етти иқлим мамлакатларида ҳам яхши билишади ва хурмат қилишади.

Шуниси қувонarliки, юртимизда ҳар йили Руфат Рискиев соврини учун ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақаларни ўтказиш хайрли анъана тусига кирди. Хусусан, шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг бокс зали бир ҳафта давомида ушбу спорт муҳлисари билан гавжум бўлди. Зеро, жаҳон чемпиони соврини учун

унинчи бор ташкил этилган халқаро турнирда 1987-1988-йилларда тузилган 225 нафар қатнашчи галаба учун кураш олиб борди. Улар орасида республикамиз вилоятларининг боксчилари билан бир қаторда кўшни Қозоғистоннинг Павлодар ва Чимкент шаҳридан ташриф буюрган ёш иктидорлар ҳам бор эди.

42 килограммдан 86 килограммгача бўлган ўн ўртта вазн тоифасида ўтказилган кўлаб қизиқарли ва мurosасиз беллашувлардан сўнг кучлилар аниқланди. Шуниси эътиборга лойиқки, Э.Холматов, Т.Абдусаломов, С.Кенжабоев, М.Содиқов, Галиуллин, А.Собитохунوف каби



ҳамшаҳар ўсмирларимиз турнир хурмат шоҳусласининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Турнирнинг барча голиб ва совриндорлари ташкилчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: МУСОБАҚАНИНГ
ТОШКЕНТЛИК ГОЛИБЛАРИ.
Алексей Попов олган сурат.**

• ТАНЛОВЛАР

**ЭНГ ФАОЛ
МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ**

Юнусобод туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» маҳалласида миллий кадрлар ва Конституциямизни тарғиб қилишда «Энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» кўрик танловининг учинчи босқичига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни Республика «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадейбоев кириш сўзи билан очиб, бугунги кун оқсоқолининг мақсад, вазифалари нималардан иборатлиги, миллий-маданий кадрлар, Ассий Қонунимизда белгилаб қўйилган инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи ҳақидаги бобларнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилишда сўз олган Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов жумладан шундай деди: «Маҳалла — инсофу диёнатдан, меҳру оқибатдан сабоқ берувчи, керак бўлса, тергаб, тартибга чакирувчи, лозим топса бошини силаб, муруват кўрсатувчи жойдир. Маҳалла — халқ кадрларининг кўзгули. У кишиларни иймон-эътиқодга, меҳр-шарофатли, элу юрт юмушига камарбаста, Ватанга садоқатли тарзда тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этган. Азал-азалдан тўю маъракалар бошида маҳалла оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турган. Маҳаллаларнинг саранжом-сарияталиги, аҳолининг тинч-

осойишталиги, оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳам ҳамма уларнинг эътиборида бўлган.

Бугунги кунда маҳаллалар маҳаллий ҳокимиятнинг энг ишончли бўғини сифатида тан олинди. Ҳозирги кунда ўзини-ўзи бошқариш тизимининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифаларни ҳал этишдаги ролини аниқлаб ошириш чоралари кўрилмоқда».

Шунингдек, тадбирда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли Э.Ҳудойбердиев, туман ИИБ жиноятнинг олдини олиш бўлими бошлиғи М.Расулов, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи фахрий оқсоқоли Э.Қодиров, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири С.Остоновлар сўзга чиқшди.

Танловнинг учинчи босқичидан сўнг октябрь ойининг иккинчи ўн беш кунлигида якуний босқич бошланади. Бунда барча туман ва шаҳар босқичи голиблари аниқланиб уларга туман, шаҳар ва вилоят миқёсида мукофотлар топширилади.

Ноҳира Саид АЗИМ

• МИТТИ МАСАЛЛАР

**ТЕНГ-ТЕНГИ
БИЛАН**

«Бирлашми-и-з! Бирлашми-и-з!» — оч айқининг бу ўкириги ўрмон жониворларига худди «Кеп қолинг, текин ош» дегандай эшитилиб, қаймоқдай ёқиб тушди. Ҳаммалари бир-бирларини туртиб-суртиб, ўзларини айиқ уясига урдилар: куён, буғи, эчки, бўрсик... Маймоқвой ландовурларнинг ҳаммасини ўз уясига қамადию, шўрликларни бемалол битта-битта еб ётаверди.

Фақатгина қўқон жониворларни ўйлаб иш тутушга ундаган эди: етти ўлчаб — бир кесс!

**БИР БАЛОСИ
БЎЛМАСА**

Олмаҳондан сўрашди: — Тўнғиз билан бўри рўзгорларини бир қилиб, сениям ўз улфатларига тақлиф қилишган экан. Сен нега рад қилиясан? Уларга қўшилиб олсанг бўлмайдими?

— Эй, дўстлар, — деди олмахон мийиғида қулмсираб, бўри акамнинг емиши гўшт бўлса, тўнғиз аканг илдизи — ёнғоқ гажийдилар. Уларнинг тиши бир-бирига ўтмайдики, иттифок бўлиб юришибди. Лекин мен уларга қўшилиб қолсам борми: бири гўштинми хомталаш қилса, бири қишга ғамлаб қўйган мева-чева, писта бодомларимга эга чиқади. Шунинг учун менга энг қулайи: ўз уйим — ўлан тўшагим.

• ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

**ҚАДИМИЙ
ЖОНИВОРЛАРДАН БИРИ**

Акулалар кенжа синфи 250 турдан иборат бўлиб катта-кичиклиги ва ташки кўриниши билан бир-биридан фарқ қилади. Энг кичкинаси 20 сантиметр бўлса, йириклари 20 метргача узунликда, вазни эса 14-15 тоннани ташкил этади. Акулаларнинг иккита тури ҳозир Тошкент ҳайвонот боғида сақланади.

Акула гўшти унчалик мазали бўлмасида овқатга ишлатилади. Жигари балиқ мойи ва дармондориларга анча бой, унинг териси ўта пишк бўлиб ёғоч ва темирдан тайёрланган буюмларни пардозлашда қўлланилади. Шунингдек, унинг терисидан турли хил кийимлар тикиш мумкин. Акуланинг умуртқа суягидан ўта тансиқ шўрва тайёрланади. Хитойликлар бундай таомни расмий зиёфатларда дастурхонга тартадилар. Унинг ёғида балиқ мойига нисбатан 10 қарра зиёд миқдорда А дармондориси учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, бундан 15 миллион йил илгари Ўзбекистон худудида ҳам акулаларнинг бир неча турлари яшаган. Тошкент вилоятига қарашли Оқсоқ ота воҳисидан неоген даврига оид қатламлардан акулаларнинг тишлари топилган. Бу тишлар Ўзбекистон Миллий университети музейида сақланади.

Акулани ҳар томонлама сирли жонивор деб айтиш мумкин. Улар динозаврлардан ҳам илгарироқ пайдо бўлган ва сайёрамиздаги ўта қадимий турлардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, акулаларнинг бунчалик узок яшашининг сири улар сукларининг тўла равишда тоғайдан иборат эканлигидадир. Акула одамни ҳайратда қолдирадиган даражада соғлом жонивор, у хатто оғир ярадор бўлганда ҳам, яллиғланиш, юқумли касалликларга чалинмасдан тузалиб кетади. Унинг иммунитет тизими ҳар қандай вирус ва бактериялар хуружини бартараф этади.


Акуланинг баъзи бир турлари қаттиқ парда билан ўрланган тухум қўйиб кўпайса, баъзилари тирик туғади. Тухуми кўринишидан катта япроқли сув ўтга монанд бўлади. Эмбрион ривожланиб бўлгач, махсус фермент ишлаб чиқаради, ана шу ферменти эмбрион қобилини эритади ва жажжи акула боласи очик сувга чўкиб кетади.

1983 йили жаҳоншумул кашфиёт амалга оширилди. Рак касалини даволаш муаммосига ёндошиш тўбадан ўзгарди. Америкалик олим Роберт Лангер акула тоғайи таркибида рак тўқималарининг ўсишини тўхтайтиб қўядиган модда — мукополисахарид мавжудлигини исботлади.

Мексика ва Австралия сувларида яшайдиган иккита тур акула балиғида ана шундай шифобахш модда топилган.

**Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.**

Она:
— Яхши кўрган йигитим билан таништираман девдинг, у қиз бола-ку?
Киз:
— Ойи, у маданий йигитлардан бўлади. Ҳозир мода шунақа-да!
**Абдурасул
Ҳакимов
чиқган расм.**



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНААР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет матбуот босилдани.
4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қарам билан рўyxатта олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича тузир жойлаштириш почта бўлимига ёки «Тошкент почтматинга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.